

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 198 (1259), 2024 йил 28 сентябрь, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



СТРАТЕГИК ТАРМОҚЛАРДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири, Дубай Амирлиги валиаҳди Шайх Ҳамдан бин Муҳаммад Ол Мактум бошчилигидаги делегация билан учрашувида кўп қиррали шерикликни янада ривожлантириш, иқтисодий ва инвестициявий лойиҳаларни илгари суриш, мудофаа соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.



Учрашувда БАА делегацияси таркибида ҳукумат ишлари вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ аль-Герғавий, энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл бин Муҳаммад ал-Мазруий, иқтисодий вазири Абдуллоҳ бин Тук ал-Маррий, сунъий интеллект масалалари ва рақамли иқтисодиёт бўйича давлат вазири Умар бин Султон ал-Олама ҳам қатнашди.

Сухбат аввалида Шайх Ҳамдан Ол Мактум давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва мамлакат Бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг самимий саломини етказди.

Учрашувда инвестициялар, инновацион ривожланиш, “яшил” энергетика, инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, рақамли трансформация, туризм ва бошқа муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли кун тартибинини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Куннинг биринчи ярмида ўтказилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўшма форум ҳамда икки томонлама ҳукуматлараро ва идоралараро музокара-ларнинг самарали якунлари юксак баҳоланди.

Стратегик тармоқларда кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, БАА Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги асосий ҳамкорларидан биридир.

Охириги олий даражадаги мулоқотлар ўтган йил декабрь ойида Дубай шаҳрида бўлиб ўтган Глобал иқлим саммити доирасида ўтказилган эди.

Товар айирбошлаш 2023 йилда 21 фоизга ўсиб, 626 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизда Амирликлар капитали иштирокида 320 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Амалга оширилаётган ва истиқболли инвестиция лойиҳалари портфели қарийб 20 миллиард долларни ташкил этади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini ривожлантириш, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув жараёнига миллий ва илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги муносиб ҳис-саси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб йўлдаги катта хизматлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, фарзандларимизни Ватанга меҳр ва садоқат, умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”
фахрий унвони билан

Абдурахманова Озода Дехканбоевна — Қуйи Чирчиқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Акрамов Набижон Курбоневич — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан

Матмуратов Ихтиёр Курбонбоевич — Шовот туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Раупов Илёс Аҳадович — Ғиждувон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Ачилова Манзура Шералиевна — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг академик лицейи математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каримов Суян Амирович — Самарқанд давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, Самарқанд вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Мендибаев Баҳрам Рустамович — Спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича катта мураббийси

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Қувандикова Джамила Яхшибаевна — Навоий шаҳридаги 1-болалар музика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Навоий вилояти

Мирзахмедов Мирфазил Абдилхаквич — Ўзбекистон Республикаси Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази етакчи мутахассиси

Рашикова Хафиза Каюмбердиевна — А.П.Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Хомидов Дилшодбек Боходирович — Шаҳрихон туманидаги “Академик Саримсақов” нодавлат таълим муассасасининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Давоми 2-бетда

ШАҲАРСОЗЛИК

КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАР
ТЎЛИҚ РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

Муносабат

Қурилиш соҳасида янги давр бошланиб, мамлакатимиз том маънода улкан қурилиш майдонига айлангани рост. Бошқа жабҳалар қатори қурилиш тармоғи ҳам жадал ривожланиб, соҳага янги технологиялар ва инновациялар, энг замонавий меъморий ечимлар фаол кириб келмоқда. Хусусан, сўнгги етти йилда қурилиш материаллари соҳасига 9 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 5 мингга яқин янги корхона ишга туширилган. Бу орқали 94 мингга доимий иш ўрни очилгани, ишлаб чиқариш эса 2 қарра ўсиб, йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан зиёд корхоналар 150 тадан ошгани эътиборга молик.

Шунингдек, охириги беш йилда бунёдкорлик ҳажми 2 баробар кўпайган. 650 миллион долларлик янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳисобига қурилишдаги импорт улуши 31 фоиздан 25 фоизга камайган. Қурилиш материаллари экспорт бозори кенгайиб, 58 тага етди. Энг муҳими, ўтган етти йилда юртимизда қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ортди. Масалан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”

дастурлари доирасида кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларимиздаги йўл ҳамда транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа объекти-ларида қурилиш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Ҳар бир фуқаро ўз уйига эга бўлсин, деган мақсадда арзон уй-жойлар ва кўп қаватли уйлар барпо этиш ишлари кескин жадаллашди.

Давоми 4-бетда



САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ — САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНING ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИ

Мамлакатимиз ва халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим сиёсий воқелик — парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари қизгин паллага кирди. Сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди.

Ҳўш, сайловолди ташвиқотининг аҳамияти нимада? Сайлов жараёнининг энг муҳим бошқичаларидан бири сайловолди ташвиқотидир. Чунки ҳар биримиз сайловчи сифатида номзодлар ёхуд сиёсий партиялар тўғрисида ишончли, ҳолис ва тўлиқ маълумотларга эга бўлишни хоҳлаймиз. Табиийки, қизгин ва самарали сайловолди ташвиқоти жараёни сайловчиларнинг сайловда эркин, ихтиёрий ва масъулият билан овоз беришини таъминлайди.

Сайловолди ташвиқоти сайловчиларнинг бутун сайлов институти ҳақидаги фикрини, овоз беришда иштирок этиши ёки иштирок этмаслигини ҳал қилишда, ўз навбатида, аҳолининг электрорал маданиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Қўйда сайловолди ташвиқотига оид фикр-мулоҳазаларни унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш орқали кўриб чиқамиз.

Давоми 4-бетда

“ДЕБАТ ХОЛЛ” МЕДИА МАРКАЗИ — СИЁСИЙ МУНОЗАРА ВА ДЕБАТЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

Жорий йил 27 октябрда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови илк бор аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтади. Бу жараён ташкилий жиҳатларда ҳам ўзгача ҳуқуқий форматларда кўзга ташланмоқда.

Мазкур сиёсий жараён доирасидаги сайловолди ташвиқот жараёнлари қизгин тус олган бир паллада Тошкентда очилган “Дебат холл” медиа марказини бунинг амалий ифодаси, дейиш мумкин.

Аввало, шунинг таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси ва Халқаро пресс-клуб ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур медиа марказ янги сайлов тизимига ўтаётганимизнинг ёрқин ифодасидир. Негаки марказ сайловда иштирок

этувчи сиёсий партиялар вакиллари ўртасида фикр алмашиш учун махсус платформа вази-фанини ўтайди, очиқ сиёсий муно-зара ва дебатлар ўтказиш учун қу-лай шароит яратди. Бинобарин, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ҳамда депутатлик-ка номзодларнинг сайловолди ташвиқотига, хусусан, уларни бир жойга жамлаб, чинакам сиё-сий дебатга замин яратувчи ушбу марказда барча қулайликлар яратилган.

Давоми 2-бетда

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ВА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИ КУНИ

Мазкур мақола Ўзбекистон “Адолат”
социал-демократик партиясига сайловолди
ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр
майдони доирасида эълон
қилинмоқда.

SAYLOV
2024
27-OKTABR

MENING TANLOVIM — OBOD VATANIMI!

3-бетга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Дўстлик” ордени билан

Азаматова Галина Рауфовна — Пахтакор туманидаги “Kiddie” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти директори, Жиззах вилояти

Ахмедова Замира Одиловна — Чуст туманидаги 35-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Наманган вилояти

Болтаева Қамбар Абдуллаевна — Бухоро шаҳридаги Президент мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Гэдди Мишель Дениз — “Янги Ўзбекистон” университети доценти

Ким Зинаида Константиновна — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг педагог кадрларни тайёрлаш ва касбий ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси

Маджидов Ином Уришевич — Ўзбекистон Миллий университети ректори

Машраббекова Азиза Машраббековна — Корея Республикасининг Ханкук хорижий тиллар университети Марказий Оснэ кафедраси профессори

Мирошканина Ольга Юрьевна — Миробод туманидаги 60-ихтисослаштирилган мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мунинов Сидикжон Мирсобирович — Фаргона давлат университетининг тилшунослик кафедраси профессори, Фаргона вилояти

Мунтева Гулнара Узакбаевна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали халқ ижодиёти кафедраси ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Намазова Кизларсара Муратовна — Жарқўрғон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Степанова Ольга Анатольевна — Пахтаччи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Тойчубаева Айсулу Мамагбаевна — Хўжабод туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Турдиева Ирода Ғайратовна — Китоб туманидаги 96-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ўразалиев Абдуназар Норқуллович — Боёвут туманидаги 1-касб-хунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

Хабибуллина Винера Салиховна — Зангиота туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдурахманова Иқболхон Юлчиевна — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг академик лицейи биология фани ўқитувчиси

Алматов Тура Жураевич — Қумқўрғон агротехнологиялар техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Астанов Салих Хусенович — Бухоро муҳандислик-технология институтининг аниқ фанлар кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Ашурова Санобархон Юлдашевна — Профессional таълими ривожлантириш институтининг инновацион лойиҳалар, фан ва таълим технологиялари трансфери бўлими бошлиғи

Боқиев Акрам Васиевич — Яққабоб туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ибрагимов Рустам Асадович — Жиззах иختисослаштирилган санъат мактабининг чанг синфи ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Олимова Анарай Джурахановна — Юқори Чирчиқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Полвонова Юлдухон Сапарбоевна — Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Раззоқов Шамсиддин Эргашевич — Мингбулоқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Рафиев Хамракул Талибович — Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Самарқанд филиали профессори, Самарқанд вилояти

Рихсиева Гулчехра Шовкатовна — Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори

Султонова Мухайё Ёқуббековна — Косонсой туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Таджитдинова Феруза Раҳманкуловна — Навоий давлат кончиликлари ва технологиялар университетининг академик лицейи ижрочи директори, Навоий вилояти

Турдимуратова Зулфия Ешановна — Мўйноқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ширино Хуршид Хасанович — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг физика фани ўқитувчиси

“Соғлом турмуш” медаллари билан

Аллаберганова Нилуфар Илёевна — Қўшқўпир туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Арипова Гулнара Талибовна — Спортнинг киши ва мураккаб техника турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг камондан отиш бўйича мураббийси

Казакова Дилфуза Рейимбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси “Баркамол авлод” болалар мактабининг тасвирий санъат тўғари раҳбари

Кимсанова Сайидохон Эсоновна — Қува туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Мамадалиев Яшаржон Машрабович — Норин туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Раджабова Мухаббат Тошпўлатовна — Сардоба туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Самадова Сабина Сабировна — Кармана туманидаги “Kids Akademy” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти директори, Навоий вилояти

Ташмухамедова Шахноз Рафиковна — Шайхонтоҳур туманидаги 186-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Худоймуродова Ҳилола Мухиддиновна — Қизилрўк туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

“Шухрат” медаллари билан

Алламбергенова Гулшайра Атамуратовна — Хўжайли туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Атажоновна Саидахон Бораталиевна — Андижон машинасозлик институтининг ахборот технологиялари кафедраси мудири, Андижон вилояти

Бердиева Умидахон Осимжоновна — Яққасарой туманидаги “Humo School Academy” нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

Бойқобилова Дилрабо Соатмуродовна — Бандихон туманидаги 17-ихтисослаштирилган мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Буранов Жўрабек Расулчилов — Термиз туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Валиева Зиёда Абдужабборовна — Фаргона туманидаги “Бахтли келажак сари қадам” оилавий болалар уйи раҳбари, Фаргона вилояти

Вахобова Озода Холмуродовна — Тайлоқ туманидаги 10-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Давронова Дилрабо Шермаматовна — “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмасининг Самарқанд шаҳридаги филиали директори, Самарқанд вилояти

Исаева Барно Абдужаббаровна — Республика мусиқа ва санъат коллежининг театр ва кино санъати кафедраси мудири

Исмаилова Эрешгул Жораевна — Қоровулзор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби кутубхоначиси, Бухоро вилояти

Каримов Абдурашид Мусахоневич — Наманган давлат университетининг кимё кафедраси доценти, Наманган вилояти

Қодирова Ваҳохон Гулматовна — Фаргона шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Қориев Рустам Умаржон ўғли — Тошкент шаҳридаги “Ибрат фарзандлари” нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари

Қурбанов Онгарбай Хожанберганович — Нукус шаҳридаги Президент мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қурбанов Жўрабек Абдувоҳидович — Улугнор туманидаги иختисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кўнишева Гулчехра Асадовна — Бахмал туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мамакаткулова Сайёра Абдуллаевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Музафорова Ойгул Курбанбековна — Гулистон туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мунинова Дилноза Пардақулловна — Олмазор туманидаги 234-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Насимов Бекзод Шермуҳаммад ўғли — Жиззах шаҳридаги Президент мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири

Нуралиева Нилуфархон Содикжоновна — Қўрғонтепа туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернет уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

Нурмаматова Чарос Курбановна — Оқдарё туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Очилов Анвар Жонпўлатович — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги иختисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Парлиева Ниғора Назировна — Қувасой шаҳридаги иختисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Пулатов Гайбулла Жололович — Чортоқ туманидаги 5-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг биология фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ражабова Сарвиноз Юнусовна — Жондор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Розиков Ойбек Баходирович — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Сабирова Мухайё Хусниддиновна — Олмазор туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун 1-интернат уйи логопеди, Тошкент шаҳри

Саидмуродов Шухрат Алишерович — Тошкент туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг қаққурувга қадар бошлангич тайёрларлик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Самадов Сардор Сабирович — Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тағаймуратов Абдуваит Абдимуратович — Абдулла Қодирий номидаги ижод

мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Тангиров Хуррам Эргашевич — Жиззах давлат педагогика университетининг информатика ва рақамли таълим технологиялари кафедраси доценти, Жиззах вилояти

Тоиров Олимжон Зуворович — Тошкент давлат техника университетининг электр машиналари кафедраси мудири

Тулқибоева Фируза Калбаевна — Кониҳек туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Туляганова Дилфуза Юлдашевна — Қибрай туманидаги касб-хунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Тухтамуродов Элбек Дилмуродович — Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Халиков Азамат Қарамонович — Қарши шаҳридаги 18-кўзи ожиз болалар учун иختисослаштирилган мактаб-интернатининг давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Хашимова Сабоҳат Абдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг тилларни ўрганиш кафедраси профессори

Худойбердиева Ойтула Муртазакуловна — Миришкор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шадиқов Алишер Эшпўлатович — Дўстлик туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Шихназарова Садоқат Умаржан қизи — Хива шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Эргашева Гули Исмоил қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультети декани

Эшпўраев Хўшбоқ Чоршанбиевич — Шеробод туманидаги иختисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Юлдашев Дамшад Абдималикович — Учқудуқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2024 йил 27 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

“ДЕБАТ ХОЛЛ” МЕДИА МАРКАЗИ — СИЁСИЙ МУНОЗАРА ВА ДЕБАТЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА



Бошланиши 1-бетда

Шаҳар марказида жойлашган “Дебат холл”нинг аҳоли гавжум ҳудудида сайлов кўчаси ҳам ташкил этилганки, бу ҳеч бир йўловчининг эътиборини тортмасдан қўймайди.

Марказнинг очилиш маросимида иштирок этган Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Марказий сайлов комиссияси, Миллий медиа бирлашмаси, Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси масъуллари ва

бошқалар “Дебат холл”нинг шу каби устуворликларига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, “Дебат холл” медиа маркази фаолияти йўлга қўйилиши сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари, шу жумладан, сайловда

ташвиқот тадбирларини юқори даражада ўтказиш имконини яратди. Бу борада марказнинг уч асосий жиҳатига тўхталиб ўтиш мақсадага мувофиқ.

Биринчиси — бундай қулайликларга эга медиа марказ фаолияти мамлакатимиз тарихида биринчи марта йўлга қўйилди.

Иккинчиси — медиа марказда сайловда иштирок этаётган барча сиёсий партияларнинг раислари ўртасида биринчи дебат ташкил этилди.

Учинчиси — шаҳар марказида жойлашган “Дебат холл”нинг аҳоли гавжум ҳудудида сайлов кўчаси ҳам ташкил этилганки, бу ҳеч бир йўловчининг эътиборини тортмасдан қўймайди.

Ҳа, янги ҳуқуқий асосда ташкил этилаётган бу йилги сайловларга тайёргарлик жараёнлари ҳам бошқача — янги ва креатив ёндашувлар асосида. Шунга мос равишда сайловда ташвиқот тадбирлари бўлажак сайловчилар эътиборини торттири, пировардида улар ўзлари лойиқ деб топган, ҳаётимизни янада яхшилашга қодирлигига ишонган номзодларга овоз беришига ишончимиз комил.

“Дебат холл” медиа марказининг фаолияти йўлга қўйилиши, унда ўтказиладиган сайловга доир турли тадбирлар бўлажак сайловни юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказиш, сайлов билан боғлиқ жараёнларни ёритишда холислик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЛОНДОНДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН “ИПАК ЙЎЛИ” КЎРГАЗМАСИ ЕТАКЧИ ХОРИЖИЙ НАШРЛАР НИГОҲИДА

Британия музейида 26 сентябрь кунини оғитган Ўзбекистон тарихига оид ноёб кўргазма ушбу мамлакатнинг етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилаётган.

Британиялик журналистларнинг ёзишча, кўргазма нафақат минтақанинг ноёб осори атиқалари ва маданий ютуқларини намоёни этиди, балки Ўзбекистоннинг тарихий Ипак йўлининг асосий бўғини сифатидаги муҳим ролин ҳам таъкидлайди.

Жумладан, “The Times” газетасида босилган “Ипак йўлини ўрганиш — Британия музейи аjoyиб муваффақиятга эришти” сарлавҳали мақолада ёзилганидек, Ўзбекистонга бағишланган ушбу кўргазма лойиҳаси хайратланарли ютуқдир. Шарқ ва Ғарбни боғловчи йўналишлар тармоғига бағишланган кўргазмада 300 дан ортик экспонат — гўзал, ноодавий ва мураккаб объеклар ўрин олган. Улар

орасида Самарқанддан топилган фил сугидан ясалган шахмат доналари таширф буюрувчиларда катта таассурот қолдиради.

Мақола муаллифининг қайд этишича, кўргазма Марказий Оснэ халқлар тарихи ва маданиятини чуқурроқ англаш имконини беради.

“The Guardian” газетасида чоп этилган “Ипак йўли — жаҳон тарихини ёритувчи одамлар кутганидан мутлақо бошқача таъкидланганича, Британия музейидаги кўргазма Оснэ, Европа ва Шимолий Африканинг минглаб йиллар давомида Ипак йўли деб номланган савдо йўллари орқали ўзаро боғланганини кўрсатади. Бу Шарқ ва Ғарб маданиятлари алоҳида-алоҳида эмас, балки ўзаро уйғун ҳолда ривожланганидан далолатдир.

“Кўргазма тарихини жонлантиради. Асосий эътибор эрамининг 500-1000 йиллари, янги динлар, маданиятлар ва бадий услублар пайдо бўлган даврга қаратилган. Тўпلام Евроосиёнинг Афғонистондан Андалусияга бўлган кўпball минтақаларини қамраб олган бўлиб, санъат, ғоя ва буюмларнинг Ипак

йўли бўйлаб қандай тарқалишини намоёниш этади”, дейилади нашрда.

Қадимий осори атиқалари ўзининг нафислиги билан хайратта соладиган сўғ халқлари маданиятидан дарак беради. Кўргазмада нафақат жангчи, балки улугвор санъат яратувчиси бўлган кўчманчи халқларнинг тарихи ҳам алоҳида очиб берилган.

“Ушбу кўргазма Ипак йўли ҳақида баъзи одамлар кутганидан мутлақо бошқача тасавурини тақдим этади... Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ағона савдо йўли бўлган Ипак йўлини қитъаларни бир-бирига боғловчи йўл сифатида билади. Ушбу қадим йўл Оснэни Африка ва Европа билан боғлаган”, деб ёзилган “Reuters” ахборот агентлиги тарқатган мақолада.

“The Standard” газетасида чоп этилган “Британия музейидаги Ипак йўли: мафтункор қадимий шаҳарлар ва цивилизациялар романтикаси” сарлавҳали мақолада Британия музейида очилган “Ипак йўли” кўргазмаси фақат ипак ҳақида эмаслиги таъкидланган. Унда Марказий Оснэда яшаган қадимий сўғдийларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ёғоч ўймакорлиги ва сўғдан ясалган ашёлар Ипак йўлидаги маданий хилма-хиллик ва диний таъсирларни намоён этади.

“Мавзуларнинг ранг-баранглиги кўргазмага таширф буюрувчиларни Ипак йўлининг сирли оламига, маданиятлар ва савдо йўллари кесилган манзиллар сари элтади”, деб ёзган муаллиф ўз хулосасида. Ушбу кўргазма ҳақидаги мақолалар, шунингдек, “The Art Newspaper” газетаси, “Apollo Magazine” ва бошқа машҳур британ нашрларида ҳам чоп этилган.

“Дунё” АА

Лондон



АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТНИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!

Мамлакат сиёсий майдонида ўзини сўл марказ позициясида намоён этиб келаётган “Адолат” социал-демократик партияси социал-демократия мафкурасига содиқ қолган ҳолда иқтисодий эркинликни тан олишда давлат иштирокини сақлаб қолиш, ижтимоий тенглик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти каби ғояларни илгари суриб келади.



Партиямиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига жорий йилнинг 27 октябрь кунини бўлиб ўтадиган сайловга қизгин тайёргарлик кўрган ҳолда ўзининг яқинда бўлиб ўтган XII қурултойида 2025-2029 йилларга мўлжалланган, “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланган янги Сайловолди дастурини эълон қилди.

Сайловолди дастурида, бир томондан, илгор миллий ва хорижий таъриб, иккинчи томондан эса замонавий социал-демократиянинг адолатлилик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик каби халқчил ғоялари, мақсад ва вазибалари миллий кадрларимизга уйғун ҳолда сингдирилди.

Сайловолди дастурида мумтоз социал-демократиянинг жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган ғояларига тўлиқ мос келади. Бу борада партия ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, коррупцияга қарши мурасасиз курашни каби 9 та йўналишда қатор вазибаларни белгилаб олгани ҳам дастурининг номлаши ва унинг мазмуни ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

“Адолат” социал-демократик партияси дастурида Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат қуриш бош мақсад сифатида белгиланган.

Шу билан, Сайловолди дастурида биринчи — “**Ҳуқуқий давлат барпо этиш — олий мақсадимиз**” деб номланган йўналишида барча фуқаролар ва мансабдор шахслар ўз ҳаёт тарзини қонун асосида йўлга қўйиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси сифатида қайд этилган бўлиб, бунинг учун, энг аввало, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш лозимлиги таъкидланган.

Сайловолди дастурида мазкур йўналишида ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги устувор вазибаларга эътибор қаратилган бўлса, энг аввало, суд-ҳуқуқ тизимига катта аҳамият берилганини кўрашимиз.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни изчил давом эттириш ҳозирги кунда энг муҳим вазибалардан бири. Сабаби, фуқароларимиз судни одамларни қоралайдиган, ҳақдорларнинг ҳақдорларини қоралайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилган орган, деб қарашига эришиш муҳим саналади. Бунинг учун, аввало, судьялар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги, судьянинг эса ҳолислиги ва беғаразликка шубҳа туғдирувчи омиллар мавжуд бўлмалиги лозим.

Сайловолди дастурида бу борада фуқароларга енгиллик яратиш ҳамда судлар фаолиятида сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида **ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни** ташкил этиш, судьялар ҳуқуқларини юқори даражада қамроқлаш ва иш юкламаларини мақбул шартларда қўйиш мақсадида “**Судьялар мақоми тўғрисида**” алоҳида қонун қабул қилиш, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги тўғрисида етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланишини назарда тутуви “**Давлат компенсацияси тўғрисида**” қонун қабул қилиш ҳамда **жиноятдан жабрланганларга қўмаклашиш** жамғармасини ташкил этиш каби муҳим тақдирларни илгари сурганимиз.

Шунингдек, Сайловолди дастурида **судьялар сонини** босқичма-босқич кўпайтириш бориш ва уларнинг **ихтисослашувини кенгайтиришга** алоҳида эътибор қаратилган

бўлиб, бу пировадда одил судлов сифатини яхшилашга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади.

Сайловолди дастурида мазкур йўналишида, шунингдек, жамиятни йўналтириб келаётган яна бир муаммо — **пиедалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга қаратилган** кескин қарорлар кўриш бўйича ҳам ташабусларни илгари сурганимиз. Хусусан, ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қондаларини мунтазам бузганлик учун жазо чораларини қўйиш, шу жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда **умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш** тақлифи ниҳоятда долзарб ташабуслар саналади.

Ўзбекистонда ҳар бешта ўлимнинг биттаси йўл-транспорт ҳодисалари ҳиссасига тўғри келади. Ҳисоб-китобларга кўра, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар Ўзбекистон йиллик ялли ички маҳсулотининг 2,8 фоизига тенг.

Бундан ташқари, йўлларда пиедалар ва автотранспорт воситалари ҳаракатланиши учун етарли даражада инфратузилма яратилмагани, йўллар пиедаларга мослаштирилмагани ҳам асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Партиямиз мазкур муаммога ечим сифатида тартибга солинмаган пиедалар ўтиш жойларида пиедалар ҳуқуқларининг устуворлигини сўзсиз таъминлашни тақлиф этмоқда. Шу билан бирга, пиедалар йўлларида ногиронлиги бўлган шахслар учун тенг шароитлар яратиш, **светофорларда махсус товуш чиқарувчи қурилмалар ўрнатишни** ҳам тақлиф қилганимиз. Ушбу тақлифларимиз сайловчиларга манзур бўлиши шубҳасиздир.

АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ушбу йўналишда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг ваколатларини янада кенгайтириш тақлиф

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИМИЗГА ЗАМОНАВИЙ СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯНИНГ АДОЛАТЛИК, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ВА БИРДАМЛИК КАБИ ХАЛҚЧИЛ ҒОЯЛАРИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗГА УЙҒУН ҲОЛДА СИНГДИРИЛГАН.

қилинган бўлиб, парламентаризм ва парламент демократиясини ривожлантириш йўлидаги вазибалар бирма-бир санаб ўтилган. Жумладан, “**Рақамли парламент**” тизимини такомиллаштириш, худудий кенгашлар депутатларининг ваколатини кучайтириш, уларнинг ҳокимлар билан ҳуқуқий муносабатларида ўзаро тийиб туриш механизмни такомиллаштириш мақсадида **маҳаллий кенгаш депутатларига тегишли ҳокимларга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш** ҳуқуқини бериш каби янги механизмлар тақлиф қилинган.

Сайловолди дастурининг ушбу йўналишида, шунингдек, сўз ва мағбуот эркинлиги, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқлари тўлақонли рўёбга чиқариш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган **ОАВ муастаклигини таъминлаш, журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш** билан боғлиқ устувор вазибалар белгиланган.

Айниқса, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёлгон маълумотлар тарқалиши ва фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган механизмни жорий этиш, хусусан, огоҳликка чорловчи контентларни янада кўпайтириш, ёлгон хабарлар ва фирибгарликнинг янги турлари ҳақида доимий, ўзига хос

шаклда огоҳлантириб турувчи “**Стопфейк**” (STOP FAKE) платформасини яратиш каби тақлифлар ҳақиқатан долзарб аҳамиятга эга.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШ

Сайловолди дастурида мазкур йўналишда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини таъминлаш билан боғлиқ вазибаларни ўз ичига олган учинчи йўналишда энг устувор вазифа давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган **даромадларни адолатли тақсимлашни** таъминлайдиган иқтисодий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш экани алоҳида қайд этилган.

Бу борада, айниқса, **солиққа тортишни прогрессив ставкаларини** ҳаётга жорий этиш ва шу орқали даромадлар тенгсизлигини камайтиришга эришиш тақлиф қилинган айни мундариж. Прогрессив солиқ тизимини жорий қилиш дунё мамлакатларида социал-демократик йўналишдаги сиёсий партияларнинг анъанавий ғояларидан бири бўлиб, даромад миқдорининг ортиб бориши билан солиқ ставкасининг ҳам ошиб боришига асосланади.

Партиямизнинг боҳжона ва **солиқ имтиёзларини соҳавий тақдим этилишига** оид тақлифи ҳам эътиборга моликдир.

асосларини такомиллаштириш, шунингдек, адолатли ва ҳавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлишни ташкил этишга қўмаклашиш ҳамда “**Фахрийлар тўғрисида**”ги қонунни ишлаб чиқиш кабиларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, хусусан, мактабларда “**Технология**” фанини ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш ва “**Робототехника**” фанини жорий этиш, сунъий интеллект асосида “**ақли мактаб**” дастурини таълим тизимига жорий этиш, талабалар турар жойлари барпо этишни кенгайтириш, олий таълим муассасаларида ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг “**Илм-фан ходимлари кунини белгилаш тўғрисида**”ги қонунини қабул қилиш кабилар ҳам Сайловолди дастуридан ўрин олган бўлиб, улар ўта долзарб аҳамиятга эга тақлифлар ҳисобланади.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ — УЛКАН БОЙЛИК, ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИ

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, соғлиқни сақлаш соҳаси



тизимимизда алоҳида ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги халқнинг саломатлигидир.

Сайловолди дастурида мазкур йўналишда тиббиёт соҳаси даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини “**тижорат ташкилот**”дан **нотижорат ташкилотга ўтказиш**, нодавлат тиббиёт муассасаларида **жиорий этиш қўламининг кенгайтириш, пировадда янги иш ўринларининг яратилишига** хизмат қилади.

КУЧЛИ ИЖТМОИЙ СИЁСАТ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

Ижтимоий масалалар “Адолат” социал-демократик партияси дастури марказида турадиган ғоялар саналади. Биз **инсонга ғамхўрлик қилиш, барча учун муносиб ҳаётни таъминлаш давлатнинг асосий вазибаси бўлиши керак** деб ҳисоблаймиз.

Сайловолди дастурида фуқароларни иш билан таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ қатор долзарб вазибалар ҳам белгилаб олинганки, улар орасида олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун “**Кафолатланган биринчи иш жойи**” лойиҳасини амалга ошириш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий

ОИЛАНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ЁШЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

Партия сайловолди дастурининг ушбу йўналишида хотин-қизлар ва гендер тенг ҳуқуқлилик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, **хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, аниқлаш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳолига тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кучайтириш** масалаларига оид аниқ тақлифлар илгари сурилган.

Ўзравонлигининг турли кўринишларига учраган аёлларга ҳуқуқий қўмак кўрсатиш бўйича махсус электрон платформа яратиш, қонунчиликка ижро ҳоқимиятида раҳбарларнинг камида **30 фоизи аёллар бўлишига** оид қандай киритиш бўйича тақлифлар илгари сурилгани диққатга сазовордир.

Ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, уларнинг

жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пировад натижада мамлакатимиз “**Transparency International**” ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индексида 47 поғона (2013 йилдаги 168-ўриндан 2023 йилда 121-ўринга) кўтарилди ва бу борада Марказий Осиёда энг юқори ўринни эгаллаб турибди.

Бироқ эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, ушбу йўлдаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш биз учун муҳим аҳамият касб этади. Партиямиз мазкур муаммонинг олдини олиш бўйича қатор тақлифларни илгари сурмоқда. Хусусан, **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш, коррупция фактларини “дастлабқи ўрганиш” (коррупцион суриштирув) институтини** киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, партиямиз коррупция билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, талон-тарож қилиш ҳолатлари учун жазони кучайтирувчи, **етказилган зарарларни ўн баробар миқдорда ундиришни** назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш, давлат даромадида ундирилмаган барча тўловлар (жарималар, давлат боғлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий ундирувлар) вазирилик ва идоралар газнасига эмас, тўлалигича давлат бюджетига тушишини таъминлаш тарафдоридир.

ТИНЧЛИКСЕВАР, ПРОГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТ, МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ

“Адолат” партиясининг ташқи сиёсий устуворликлари прагматизм, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, асосий ҳамкорлар ўртасида мувозанатли сақлаш тамойилларига асосланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқро жаёраёнлардаги иштироки сезиларли даражада кенгайди. Анъанавий ҳамкор ва етакчи мамлакатлар, шунингдек, нуфузли халқро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантириш, улар билан мувозанатли ва доимий мулоқот олиб бориш орқали мамлакатимизнинг миллий манфаатларини фаол илгари сурилмоқда.

Айниқса, **Марказий Осиё мамлакатлари** билан ҳамкорлик алоқалари ҳар қанчадан кўра анча кенгайгани эътиборга моликдир. Сиёсий, савдо-иқтисодий, трансфертарий, сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларини кесиб ўтиш каби муаммоларни томонлар очик ва дўстона руҳда ҳал қилиб келмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тинчликпарвар ташқи сиёсатини изчил давом эттириш билан боғлиқ олдимида хали бир қатор вазибалар ҳам борки, улар Сайловолди дастурида мазкур йўналишда ўз аксини топган.

Сайловолди дастурида Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини халқро майдонда илгари суриш мақсадида **парламент дипломатияси** имкониятларидан унумли фойдаланиш вазибаси қўйилгани бежиз эмас. Зеро, парламент дипломатияси бевоқифа хорижий мамлакатлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастури мамлакатимизни ҳар томонлама мувозанатли ва тизимли ривожланиш йўлини тақлиф қилувчи стратегик ҳужжатдир. Унинг асосида ижтимоий адолат, имкониятлар тенглиги, қонун устуворлиги ва инсонга ғамхўрлик кадриятлари ётади. Биз айнан шундай ғояларнига Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва равақ топиши учун қафолат бўла олади деб ишонамиз.

Адолат учун бирлашайлик!

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ислом ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосарлари

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ — САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНING ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИ



Бошланиши 1-бетда

Сайловолди ташвиқоти нима?

Сайлов кодексиди сайловолди ташвиқотини юритиш тартиби, усул ва шакллари белгиланган. Унга кўра, сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Бошқача айтганда, айнан сайловолди ташвиқоти жараёнида номзодлар ва сиёсий партиялар сайловчиларни уларга овоз беришга ишонтириш мақсадида ўз сайловолди платформасининг асосий йўналишлари ва мазмун-моҳияти, истиқболдаги режалари билан таништирилади. Сайлов натижалари сайловолди ташвиқоти қанчалик ишончли, халқчил ва тизимли ташкил этилишига тўғриварилиги боғлиқ ҳисобланади.

Сайловолди ташвиқоти номзодларни ва партия рўйхатини рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланади ва овоз бериш бошланишидан 1 кун олдин тугатилади. Бу сафарги сайлов кампанияси давридаги сайловолди ташвиқоти 2024 йил 22 сентябрдан бошланди ва жараён қизғин паллага кириб бормоқда.

Бу жараён даврида сиёсий партиялар ва депутатлик номзодларнинг ОАВда чиқишлари сиёсий партияларга сайловда иштирок этиши учун ижозат берилган наватини инобатта олиб, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- биринчи — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси;
- иккинчи — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси;
- учинчи — Ўзбекистон Экологик партияси;
- тўртинчи — Ўзбекистон Халқ демократик партияси;
- бешинчи — Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси.



Ихтиёр БЕКОВ, юридик фанлар доктори, профессор

Сайловолди ташвиқотини юритиш турлари, шакллари ва усуллари

Депутатликка номзодларнинг сайловда муваффақият қозонишининг муҳим омилларидан бири сайловолди ташвиқотининг энг самарали усулларини танлай олиш, ишга креатив ёндашиш, сайловчиларнинг кўнглидан жой ола билишидир. Шу мақсадда номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар ва уларнинг вакилларига сайловолди ташвиқотини қонунда тақиқланмаган интернет турлари, шакллари ва усулларидан фойдаланиш мумкин.

Ташвиқот қуйдагича тарзда олиб борилади:

- сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотини ўзининг депутатликка номзодларини ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;
- номзод ва сиёсий партия тўғрисидаги ахборотини ун ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Ташвиқот омма олдида очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот анжуманлари,

фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида юритилиши мумкин.

Хусусан, ташвиқотнинг мазкур шакллари оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғи, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқаларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ташвиқот юритилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шартлар таъминланади.

Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони, шунингдек, нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонунчиликка мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Ташвиқот мақсадида оммавий ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партияларнинг фикрини инобатга олган ҳолда тегишли сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сайловолди ташвиқотини юритиш шакли ва усуллари бу билан чегараланмайди. Ташвиқот даврида уни юритишнинг қонунчиликда тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланилиши мумкин.

Сайловдаги соғлом рақобат — сайловчи эркин танловининг муҳим омили

2024 йил 21 сентябрь кунини сиёсий партиялар ва Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган сайловолди ташвиқоти оид одоб-ахлоқ қоидалари партияларнинг раҳбарлари томонидан имзоланди.

Демократик мамлакатлар амалиёти кўрсатадики, уларда сайлов жараёнида сиёсий партиялар ёки номзодлар ўртасида дезинформация, инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, адолатли курашни таъминлаш, сайловолди ташвиқоти давомида номзодларнинг бир-бирига нисбатан ҳурмат сақлаш ва ҳуқуқий чекловлардан ташқари ахлоқий меъёрларга риоя



қилиш мақсадида келишувлар амалга оширилади. Хусусан, бу йил бўлиб ўтган Европарламент сайловида сиёсий партиялар томонидан шу каби битимлар имзоланган.

Умуман олганда, бу каби қоидалар сайловчиларни манипуляция қилиш ва унга нотўғри маълумотлар тарқатишнинг олдини олишга қаратилган, бу сайловчиларга номзодлар ва уларнинг дастурлари тўғрисида аниқ ҳамда объектив маълумот олишга имкон беради.

Одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ, сиёсий партиялар вакиллари сайловолди ташвиқоти жараёнида Конституция, Сайлов кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш, сиёсий партия вакилларининг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиш, шунингдек, ижтимоий ахлоққа зид ҳар қандай ахборотни тарқатмаслик, сайловчиларга нисбатан товланмаслик, кўрқитиш ёки мажбурият, ўзгача ноўрин таъсир чораларини қўлламаслик ва ҳақ эвазига ўзига оғдириб олмаслик каби мажбуриятларни зиммасига олади.

Сунъий интеллектнинг сайловолди ташвиқотида таъсири

Асримизнинг янги технологияларидан бири сифатида сунъий интеллект барча соҳаларга шиддат билан кириб келмоқда. Сайловолди ташвиқоти жараёни ҳам бундан холи эмас.

Сайловолди ташвиқотини юритишдаги ўзига хос меъёрлар

Сайловолди ташвиқотини юритишда қатор ҳолатлар тақиқланган. Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари билан ўрнатилган меъёрлар сайловолди ташвиқотининг холис ўтказилишига хизмат қилади ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Сайловолди ташвиқоти жараёнидаги ҳолислиги, қонунийлиги ва адолатлиги таъминлаш мақсадида “ноқонуний технологиялар”дан фойдаланиш тақиқланган. Масалан, ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёз шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тарқатиш билан қўшиб олиб бериш тақиқланади.

Бундан ташқари, нотўғри ахборот, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш мумкин эмас.

Яна бир муҳим талаб, сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганда ташвиқот ўтказишга йўл қўйилмайди.

Ташвиқот жараёнида давлат ҳокимияти ресурсларининг суистеъмол қилиниши тақиқланган. Унга кўра, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, Қуроли Кучлар ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбий-лаштурчилар бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, судьялар, сайлов комиссиялари аъзолари ҳамда диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайловолди ташвиқотини юритиши тақиқланади.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ва хизмат мавқеидан сайловолди ташвиқоти вақтида ҳар қандай сиёсий партиянинг ёки номзоднинг фойдасига ёхуд унга қарши фойдаланиши тақиқланади.

Умуман, самарали сайловолди ташвиқоти сайловда муваффақият қозониш калитидир. Сиёсий партиялар ва номзодлар ўз ғояларини сайловчиларга етказиш учун замонавий ва креатив усуллардан фойдаланиши зарурлигини даврининг ўзи таъкидлаётган.

Бугунги кунда миллий сайлов қонунчилигимиз даврга ҳамоҳанг тарзда мунтазам такомиллаштирилиб, сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига ушбу жараёнда фаоллик кўрсатишга барча имкониятлар яратилган. Зеро, ўз сиёсий ғоя ва ташаббусларига сайловчиларни ишонтира олган сиёсий партия ва депутатликка номзодига сайловларда кутилган натижага эришади.

Муносабат



Қаҳрамон ЭРГАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Уй-жойлар, турли бино ва иншоотлар билан бирга ҳудудларимизда ижтимоий инфратузилма объектлари, кўча ва майдонлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт муассасалари, бог ва хиёдонлар, фавворалар, болалар майдончалари, дам олиш масканлари қуриладиган одамлар учун қўшимча қулайликлар яратмоқда.

Шу билан бирга, соҳанинг ҳуқуқий ва моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудда илгор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритиладиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлмоқда. Қурилиш материаллари индустрияси юқори суръат билан ривожланиб, малакали етуқ кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Президентимиз томонидан шу йил 10 сентябрда имзоланган “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам том маънода ушбу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжат Ўзбекистонда янада самарали ва шаффоф шаҳарсозлик тизимини

яратиш ҳамда ҳар бир фуқаро муносиб ҳаёт кечирини ва хавфсиз келажакка эга бўлиши мумкин бўлган замонавий ҳудудларни барпо этишга замин ҳозирлайди.

Давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имкониятлар туфайли соҳада соғлом рақобат муҳити пайдо бўлиб, ички манбалар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш имконияти кенгаймоқда. Объектларни лойиҳалаштириш ва қуришда инновацион ечимлар, замонавий лойиҳалар ҳамда янги илмий-техникавий ишланмалардан фойдаланилапти. Булар қурилиш сифатини ошириш билан бир қаторда бино ва иншоотлар дизайнини яхшилаб, замон талабларига мослигини ошираётган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 10 фоиздан зиёд ортиб, салкам 80 триллион сўмга етган. Соҳанинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Шунинг ортидан кўп йиллардан буён ижарама-ижара яшаб, уй-жой олиш ниятида юрган минглаб одамларнинг орзу-истаклари рўёбга чиқди.



ШАҲАРСОЗЛИК КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАРАЁНЛАР ТЎЛИҚ РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

Қурилиш тармоғидаги улкан ишлар, аввало, инсон қадрини улуғлаш, ҳаётини манфаатларини таъминлашга қаратиладиган билан диққатга сазовор. Утган йили биргина инвестиция дастури доирасида 2526 та ижтимоий ва инфратузилма объектида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилган ҳам шундан далolat беради.

Қурилиш материалларини тайёрлашда энергия сарфини камайтириш жуда муҳим. Чунки бу маҳсулотнинг таннархи, харидор-гирлигига таъсир қилади. Сўнгги икки йилда тармоқда ишлаб чиқариш 1,2 карра ошган бўлса-да, шундай чоралар ҳисобига энергия сарфи 1,3 баробар, энергия сизими 1,6 баробар камайди. Мисол учун, “Кривлукцемент”да иссиқлик алмаштириш ускуналари реконструкция қилиниб, йилга 37 миллион килловатт-соат электр энергияси тежалди.

Бугун илгор хорижий корхоналар иссиқлик энергиясидан қайта фойдаланиш орқали электр олиш технологиясини фаол қўлламоқда. Шу асосда энергия сарфи юқори бўлган 34 та корхонада энергия аудитини яқунлаб, йилга 300 миллион килловатт-соат электрини эқтисод қилиш мумкинлиги айтилди.

Ҳозир юртимизда ишлаб чиқарилаётган 170 нондаги қурилиш материалдан 97 таси бўйича ички талаб қопланган. Бироқ бозор тўлиқ ўрганилмай, шунга ўхшаш лойиҳалар яна режалаштирилган. Шу боис, энди бозор тўлиқ қопланган материалларни рўйхатини эълон қилинади. Ички ва ташқи эътиҳдан келиб чиқиб, янги маҳсулотлар бўйича таклифлар тайёрланади ва ошқор порталга жойлаштирилади.

Ҳар бир вилоятда ташкил қилинган Шаҳарсозлик кенгашлари фаолияти бўйича ҳам эътирозлар кўплиги, кенгашга киритилган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва келишиш ойлаб чўзилаётгани қайд этилди.

Бу жараёнда ушбу кенгашлар билан боғлиқ ҳолатлар тўлиқ рақамлаштириш, энди унга барча лойиҳалар “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали электрон киритилиши белгиланди. Кенгаш аъзолари эса лойиҳани куйи тизими билан шу платформада электрон келишади. Лойиҳани кўриб чиқиш муддати эса 15 кундан ошмайди.

Уй-жойлар қурилишида алдов, тушунмовчиликлар учраб турибди. Шу боис, энди уй-жой сотиб олиш бўйича қофалати “эскроу” тизими жорий қилинади. Бунда девелоперлар ўзи кураётган уйлар сотувини ташкил қилиш бўйича банклар билан шартнома тузиши, хонадон олмақчи бўлганлар пулни қурувчига эмас, тўғридан тўғри банкка топшириши аини мудоао бўлди. Унга кўра, банклар йилдан пулни қурувчига ресурс сифатида беради. Яъни банклар қурувчи ва харидор ўртасида кўприк бўлиб, уй-жойнинг ўз вақтида ва сифатли қурилиб, эгасига топширилишига кафил бўлади. Мутасаддиларга ушбу янги тартибларни босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўрсатма берилди. Буларнинг барчаси халқимизнинг ҳаёт сифати ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда бунёдкорлик қўлами йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари қуриломоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун малакали қурувчиларга эҳтиёж юқори. Энди қурилишдаги ишчилар малакасини баҳолайдиган тизимнинг амалиётга таъбиқ этилиши, бунда каспаларга малака даражаси ва иш ўринларига аниқ талаблар белгиланиши, уни эгаллаш учун талабгорлар профессионал таълим муассасаларида ўқитилиши қисқа вақтда ўз самарасини беради.



Илм-фан

ЧИРОҚЧИДА ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

Юртимизда сўнги йилларда ахборот технологияларини ривожлантириш, соҳа ва тармоқлар фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш, "ақли дастурлар"нинг қўлланиш жабҳасини кенгайтириш бўйича давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз томонидан қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва ижроси таъминланмоқда. Бунга яққол мисол тарихида худудларда иш бошлаётган замонавий ўқув муассасалари, Ахборот технологиялари марказлари каби қатор таълим масканларини айтиш мумкин.



Жумладан, шу ҳафта Чироқчи туманидаги 1-мактаб ҳузурида Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, профессор Қаландар Абдураҳмонов номидagi "Инсон капитали ва сунъий интеллект" илмий мактабининг тانتанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Илмий муассасанинг айнан олим таълим олган масканда ташкил этилган Чироқчи туманидаги билимга чанқок ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очди.

Илмий мактаб очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Азизов, Қ.Абдураҳмоновнинг синфдошлари ва шоғирдлари, тумандаги секторлар раҳбарлари, олимлар, нурунийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Янги илмий муассасанинг очилгани нафақат 1-мактаб ўқувчилари, балки тумандаги барча ёшларнинг илм-фанга қизиқишини

оширишда катта аҳамиятга эга, — дейди Чироқчи тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Фарҳод Жуманов. — Бугун замонавий таълим олиш, аynиқса, янги технологиялар асосида билимини оширишга ўғил-қизларнинг интилиши кучли. Шу боис, бу ерда барча зарур имконият яратилган. Хусусан, мактаб керакли жиҳоз ва ускуналар билан етарли даражада таъминланган. Бундан ташқари, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш, турли танловлар ташкил этиш, фан олимпиадаларида иқтидорини намоиш этишига кенг йўл очилган.

Мактаб қатъий режа асосида фаолият юритиши белгиланган. Шу билан бирга, экспонатлар мунтазам янгиланган бўлиши ва мактаб инвентарига киритилади. Уларнинг сақланишига жиддий эътибор қаратилади. Илмга қизиқувчан ёшлар ва янгиланган интеллект ўқувчиларнинг ўз билим ва тажрибасини мунтазам ошириб бориши учун зарур шароит яратилади. Вилоятдаги олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари иштирокида мунтазам илмий-амалий тадбирлар, учрашувлар ташкил этиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, ўқув йили давомида тумандаги бошқа умумтаълим мактабларидаги ёшларнинг инсон капитали ва сунъий интеллект бўйича билимини ошириш бориш учун ҳамкорлик йўлга қўйилади. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг доимий равишда билим ва малакасини ошириб боришга эътибор қаратилади. Меҳнати рағбатлантириб борилади.

Тадбир қатнашчилари "Мактаб — олий таълим — академия" интеграцияси асосида ташкил этилган илмий мактаб музейида академик Қ.Абдураҳмоновнинг ҳаёт йўлини акс эттирувчи фотосуратлар жамланмаси, олимнинг ёшлигини ёдга солувчи тарихий буюмлар, қўлёзмалар, илмий асарлар билан яқиндан танишди. Уларнинг қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олишди.

— Бугунги ёшларга ҳавасим келади, — дейди чироқчилик фахрий ўқитувчи Сайёра Раҳмонова. — Бундай таълим масканлари авваллари фақат орзу эди. Янги билим муассасасининг ўқув хоналарини кўздан кечириб, бу ерда илм олишга чоғланаётган бахтли болалар қувончига шерик бўлдим. Бир пайтлар эски парта, эски доскадан иборат қоронғи хоналарда дарс ўтиб, толиқиб қолардик. Бугун эса барчаси бошқача. Академик устозимизга ҳам раҳмат, шунчалик эътибор қаратиб, янги илмий муассаса ташкил этилиши ўзига хос жасорат намунаси деб биламан.

Шу кунги тадбирни нафақат иштирокчилар, балки қатор ташкилот ва корхоналар, таълим муассасалари раҳбарлари, олимлар онлайн платформалар орқали кузатиб борди ҳамда чироқчилик ёшларни янги таълим маскани билан табриклади. Тадбир давомида ўқувчиларнинг мусиқий чиқишлари барчага манзур бўлди.

Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Дил изҳори

Муаллим — МИСЛИ ЁНИБ ТУРГАН ШАМ

Азизали ҚУРБОНОВ, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Устоз сўзи нақадар жарангли, улғувор. Ҳар йили 1 октябрь яқинлашгани сайин сабоқ олган, ҳаёт сўхмоқларидан одимлаб боришимизда бизга йўлбошчилик қилган инсонларни касб байрами билан табриклашга, дилимиздаги эзгу ниятларимизни айтишга ошқамиз.

Ҳар бир касбнинг, касб эгаларининг ўз ўрни бор, бироқ ўқитувчи ва мураббийлар кун алоҳида ажралиб туради. Албатта, ҳар биримиз қайси соҳада меҳнат қилмайлик, устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезамиз. Уларнинг кўмаги зарур бўлади.

Аваллига мактабгача таълим ташкилоти, кейин мактаб, навбати билан олий таълим муассасасида устозлардан сабоқ оламиз. Ота-оналаримиз эса бу борада бир умрлик йўлдошимиздир. Уларнинг ўғити алоҳида маззу. Фарзандлар таълим-тарбиясига, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб камолга етказишга катта эътибор қаратиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан. "Устоз отангдан улуг" деган мақолда ҳам ўқитувчи ва мураббийларга самимий эҳтиром намоеён.

Бу байрам, аввало, билими ва тажрибаси, истеъдоди ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб кўри, бутун борлигини аямая, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларимизга халқимиз азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунаси.

Ер юзиде инсон яралибдики, унинг камолотида, шахс сифатида шаклланишида ва жамиятда

ўз ўрнини топишида устозларнинг меҳнати, ўрни беқиёс. Заҳматқаш, фидойи муаллим ва ўқитувчилар ўз шоғирдларига нафақат билим беради, балки улар қалбига эзгу фазилатларни сингдириб боради.

Ҳар бир инсон кўнглида устозларга чуқур ҳурмат, эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғуси билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Улар ўғити, панд-насихатига амал қилиб борсақ, асло кам бўлмастимиз тажрибадан маълум.

Ота-онамиз каби кичик ютуқларимиздан қувонгани, биздаги кўринмас иқтидорни, қобилиятни илғай олади, уни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Оддий табиатнинг ўзи ҳам, тақдиримиздаги ҳаёт ҳам биз учун бир устоз. Табиат бизга гўзалликдан, ҳаёт эса бардошдан, синовлардан, йимондан дарс беради.

Илм ҳикмати сувни ёндирар. Ҳақиқатан, илм шундай қудратга эга. Бу қудратни эса бизга илмлар султони — устозларимиз улашади. "Ҳар бир миллатнинг соадиати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир", дея таъкидлайди маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, ёш авлодни маънаван етук, тафаккур олами кенг ва билимли инсонлар этиб тарбиялаган ўқитувчи-мураббийлар тинимсизда жонанов ватанимиз тараққиёти учун сидқидилдан хизмат қилувчи ўғил-қизларимиз бахтини кўрамиз. Юраги гайрат-шижоатга тўла, ёшлар тарбияси йўлидаги масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган азиз, меҳридор устоз-мураббийларимиз доимо эъзода.

Дунёда устоз меҳнатидан оғир меҳнат йўқ. Жамиятнинг бугуни ва келажаги, маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожлангани билан белгиланади. Таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Шундай экан, уларга эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Нуқтаи назар



Нодир ҚОСИМОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бугун ҳам шу анъанага содиқ қолган ҳолда таълим-тарбияга давлатнинг биринчи галдаги муҳим масаласи сифатида қарала бошланди. Глобаллашадиган ахборот асрига ҳамроҳ равишда таълимнинг тўрт босқичида ҳам изчил ислохотларга киришилди. Эътиборлиси, олий таълим муассасаларида, умуман, барча ўқув масканларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш долзарб масала сифатида кун тартибига чиқди.

"Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда" ғоясининг илгари сурилгани ҳам бежиз эмас. Жаҳид болаларимиз ҳам илму урфон, таълим миллат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашнинг шорига айланган эди. Орадан шунча вақт ўтганига қарамай, бу қарашлар, ёшларни илмли қилишга қаратилган даъватлар, зиёлиларга эҳтиёж ўзгаргани йўқ. Аynиқса, бугунги тараққиёт асрида таълимнинг аҳамияти беқиёс экани халқро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз кўрсатаётган натижаларда яққол намоеён бўлмоқда.

Қачонлардир ғояси билан жамиятни, миллатни уйғотмоқчи бўлган ва бу йўлда жонидан кечган маърифатпарвар бобо-

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

ШУ БОИС, СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ КЕЧИКТИРИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Таълим-тарбия мустақкам йўлга қўйилган жамият ҳамиша обод бўлган, гуллаб-яшнаган. Тараққиёт билан бўйлашган. Бунга тарихдан ҳам, бугундан ҳам мисоллар етарлича. Кўпчиликнинг қулоғига ёшликдан сингиб кетган Маъмун академияси дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган. Чунки илм олишга кўрсатилган рағбат ўз мевасини берган. Айнан олимларнинг тадқиқи билан мураккаб масалаларга осон ечимлар топилган. Энг муҳими, илм соҳиблари эл назаридаги шахсларга айланган. Ҳар томонлама эъзозланган. Шахсий ҳаёти ва илм йўлидаги барча харажати элнинг ўзига тўқ вакиллари ва сарой газнасида тўлиқ қопланган. Натижа ва самарадорлик ҳам шунга яраша бўлганига мозий гувоҳ, албатта.

ларимизнинг номи оқланди. Улар илгари сурган ғоялар эса ёшларимиз таълимига татбиқ этиляпти.

Истиқлолнинг илк йилларида бор эътибор таълимни тубдан ислоҳ қилиш, советча мафкура билан йўғрилган дарслик ва адабиётлардан воз кечиш, миллий дарсликлар яратишга қаратилди. Давлат ўз тили ва рамзларига эга бўлди. Истиқлол даврининг илк ўқувчилари энди собиқ иттифоқнинг олим ушорларини эмас, Мухаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Жалолiddин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий каби улуг аждодларимиз, маърифатпарвар жаҳидлар тарихини ўргана бошладилар.

Бугун янги Ўзбекистон тараққиётида "Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда" концептуал ғояси доирасидаги ислохотлар даврини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Бу давр икки босқичдан иборат: биринчи босқич 2016 йил сентябрдан 2022 йилгача, иккинчи босқич эса

2022 йилдан бугунга қадар бўлган муддатни ўз ичига олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабрь кунги мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари, зиёлилар қатлами билан учрашув ўтказди. Учрашувда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, Фанлар академияси аъзолари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди. Мамлакатимизда фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айнан мазкур учрашув Ўзбекистон тараққиётида илм-фани янги босқичга кўтаришга қаратилган дастлабки қадам бўлди.

Жумладан, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-



қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида қатор муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди. Президентимиз иқтисодиётимизнинг барча соҳаси ривожига илм-фаннинг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлатимиз биринчи галда Фанлар академияси ва олимларга суяниши, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги бутун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида таъкидлади.

Биринчи даврда ўтган 5 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари борасидаги сиёсати тубдан ўзгарди. Хусусан, мактабгача таълим ташкилотлари

тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янги боғчаларни қуриш учун 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш дастури ҳамда 2030 йилга қадар мактабгача таълим билан қамров даражасини 80,8 фоизга етказиш мақсад қилинган мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

2020 йили янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Шу асосда юртимиз тараққиётида таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг янги тартиблари белгиланди. Хусусан, таълим устуворлигининг тан

олиниши, билим олиш шаклини танлаш эркинлиги, ўқитиш соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги, тенг имкониятлар таъминланиши, таълим-тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти, узлуксизлиги ва изчиллиги мустаҳкамланди. Шунингдек, ўн бир йиллик таълим ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлаш мажбурийлиги, давлат таълим стандартлари ва талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиллиги, ўқув дастурларини танлашга доир ёндашув ягоналиги ва табақалаштирилгани, инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши, жамиятда педагоглари ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатланди. Бундан ташқари, ўқитиш тизимининг дунёвий хусусиятга эгаллиги, билим, қобилият ва истеъдод рағбатлантирилиши, таълим жабҳасида давлат ва жамоат бошқаруви уйғунлиги, очиллик ва шаффофлик ҳам назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги қонунда мамлакатимизда таълим шакл ва мазмуни кенгроқ очиб берилди. Хусусан, қонуннинг 7-моддасида таълим турлари қўйидагилардан иборат экани белгиланди: мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълим.

Ёш авлод тарбиясига, маънаву юксалишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида янги ўқув йилида ёшлар тарбияси, уларни қўллаб-қувватлаш ва маънавий-маърифий ишлар тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган мақсад ва вазифаларни белгилаб олганмиз.

"Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда" эзгу ғоясининг янги Ўзбекистон тараққиётидаги ўрнини концептуал асослари 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишдир. Уларнинг ижросини бекум кўст бажаришни зиммасига олган ҳар бир масъул ўз ишини муносиб тарзда ундашга ҳаракат қилмоқда. Президентимизнинг "Таълим-тарбия — бу бизнинг келажакимиз, ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ", деган даъвати бу йўлда дастурламал бўлмоқда.

2024 йил 28 сентябрь, 198-сон

1 октябрь —

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Манча

ЎҚУВЧИНИГМАН, УСТОЗ!



Кўнгирак қилишдан олдин гапирмоқчи бўлган сўзларимни ичимда такрорлаб оламан. Гарчи ҳеч ким бу — қатъий қоида, деб қўлоғимга қуймаган бўлса-да, журналист дондона, аниқ, раво гапириши керак, деб ўзимга уқтираман. Бу вақт оралғида қахрамонимнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасига жойлаган суратига тикиламан. Қарши шаҳридан экан, исми Элбек, кўринишидан қирқ ёшни қоралаган. Яқинда шогирди Тўлқинжон Жайловов 65-халқаро математика олимпиадасида (ИМО 2024) кумуш медаль соҳиби бўлди. Ўқитувчи ва мураббийлар куни яқин, шу баҳона билан ундан ҳам устози ҳақида интервью олишим зарур. Эҳтимолий ўнғайсиз ҳолатлар учун ўзимча чора кўриб қўяр, ҳаммаси кўнгилдагидек ўтишини қаттиқ истардим...

Шу чоқ қисқа сигналдан сўнг Элбек ака гўшакини кўтариб, мен умуман кутмаган ниҳоятда самимий овозда “Ассалому алайкум, эшитаман”, деди. Хотиржам тортаман. Сўхбатдошимнинг юқори салоҳияти содда, бегараз одамнинг тўпори, ёлгон аралашмаган хислатлари билан кўшилиб кетганини англагач, муҳаббат кайфиятим тумандек тарқайди. Унга устозлар байрами учун кичик бағишлов сифатида ёзилаётган мақоламини тўқ мағиз билан тўлдирдим зарурлигини тушунтирдир эканман, ўзимни энгил ҳис қилдим: у ҳар бир гапимни диққат билан эшитар, қисқа, раво сўзлар билан маъқуллар, мен энди иш юзасидан эмас, шахсий илтимос ва гўзал сўхбат эҳтиёжи туфайли турунлашардим. Охириги марта қачон бундай бемалол, чегараларсиз сўхбатлашганимни эслолмайман.

— Ало, эшитяпсизми?.. Ҳа, яхши... Сизга бошқачроқ гапиргим келпти-да. Нимадир янгироқ, нимадир табиийроқ, илиқроқ... гап айтишим керак. Келинг, фикримни тўлиқ ифодалаш учун раҳматли устозим ҳақида гапириб бераман. У физикадан дарс ўтарди. Билишимизча, сўққабош, олис бир қишлоқдаги каталакдек уйда онаси билан яшарди. Аммо бизга дарс ўтиш учун ўн қақиримлаб йўлни пидеда босиб ўтар, шунча юриб келган бўлса ҳам сира юзида ҳорғинлик, чарқок сезилмас, мудом ёниб, чақнаб турарди. Бошқача, чиройли дарс ўтарди. Кейинчалик ойлигини йиғиб, велосипед сотиб олди.

Шу қадар камсуқум, камхарж бўлса ҳам уни қаттиқ хурмат қилардик. Ўйлашимча, у шунга мажбур этарди. Албатта, у бундай муносабат талаб қилмасди, шунчаки масофа сақлар эди. Беихтиёр унинг ранги униқиб кетган костюми, чети сиққон кемирғандек тешилиб қолган қадимий портфелига кўз юмиб, бор диққат-этиборимизни сўзларига қаратар эдик. Озгинлигидан уни ҳозир йиқилиб тушади деб ўйлардик, аммо у ҳеч қачон йиқилиб тушмас, бизни ҳайратга солувчи эпчиллиги билан тик ва пурвикор қиёфага қайтарди.

У гапирар экан, айтаётган узун жумлалари ортида нафақат унинг, балки ўзимизнинг ҳайрат ва умидга тўла ҳаётимизни сугориб турадиган қудрат қад кериб тургандай туюларди...

Кейин нима бўлди? Кейин қиш келди. Қора совуқ, Ёнимиздаги дарё сатҳи тирик жон ўтса бўладиган даражада музлаган. Нарийги кичик ўрмон, ундан сўнг устозимизнинг қишлоғи эди. Шўрлик йўлни кесиб ўтсам, вақтим тежаллади деб ўйлагани аниқ. Фалокат эса доим оёқ остида. Икки ой дийдираб мактабимизга музлаган дарё орқали қатнаган севимли устозимиз янги йилга уч кун қолганда муз синиб, чўкиб кетди.

Қайгули воқеа билан сўхбатни таъсирчан қилишдан йироқман. Шунчаки у бизга

жуда яхши таълим берганидан мактабни тамомила, олийгоҳга ўқишга киргунимизга қадар уни биздан тортиб олган дарёни ошқора ёмон кўрдик. Уйдагилар чой дамлаб келганда, ўша дарёнинг сувидан эканини билсак, зинҳор ичмайдиган одат чиқардик. Бу ёш болаларча қилиқларимиз ортида маъсумият билан ўралган ҳурмат, устозимизнинг пок руҳига эҳтиром эҳромлари қад ростлаб турарди.

Демоқчиманки, ўқитувчи, муаллим, устоз, қайси сўз билан ифодаланишидан қатъи назар, қиладиган иши сўзидан-да буюк. Соҳадан беҳабар исталган одамга ўқитувчи ташқаридан қунига олти соат дарс ўтадиган, назорат иши, имтиҳон, мактабнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашиб, бир оз асабий бўлиб қолган, яқин йиллардан буён кўкрагига офтоб тегиб, чўнтаги қаппайиб қолгандек бир ёқлама тасаввур уйғотади. Аммо ўқитувчи сифатида шунга айтишим мумкинки, биз бутун нафақат молиявий эркинликка чиқдик, балки руҳан ўзимизни хотиржам ҳис қила бошладик. Ишимиздан, “малим” эканимиздан уялмайдиган, аксинча, халқаро майдонда ҳам ўзбек муаллими маъқенини ошириш учун тўхтовсиз илм олиш ва илм ўргатиш мақсадида ҳаракат қиладиган, машғулотиимизни севадиган бўлдик.

Сўхбатдошимизнинг сўзларига қулоқ тутарканман, бу самимий гурун орасига доимий байрамона шукуҳга тўла гаплардан йироқ, одамнинг ўзини тафтиш қилишга илҳомини сўзларни мақолага қўшишим қанчалик тўғри ёки нотўғри экани ҳақидаги ўйловим қовоғари каби гўнғиллаб суқилар, аммо ўқитувчининг шаштини сира туширгим келмасди. Ичидан қуйилиб келаётган гапларини ўзгаришларсиз ёзишга ўзимга ўзим ваъда бериб турарканман, нотуқлари хусусида раво гапириб кетади:

— Келинг, энди аниқ рақамлар, рейтинг ва натижаларга тўхталасак. Масалан, шу йил 26-31 июль кунлари Ҳиндистонда 30 та давлатдан 576 иқтидорли ўқувчи иштирок этган Халқаро математика мусобақасида вақиларимиз 18 та медалини қўлга киритди. Президентимиз қарорига мувофиқ, тан олинган халқаро фан олимпиадалари ғолиблари муносиб рағбатлантирилади. Жумладан, олтин медалини қўлга киритган ўқувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробари, ўқитувчисига 450 баробари, кумуш медаль билан тақдирланган ўқувчига 300 баробари, устозига 250 баробари, бронза медаль олган ўқувчига 200 баробари, устозига эса 150 баробари миқдорда давлат бюджетидан пул мукофоти берилади. Бундан ташқари, ғолиб ўқувчилар давлат ОТМларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонсиз грант асосида талабалikka қабул қилинади. Кейинчалик таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритган тақдирда лавозим маошига 150 фоиз ҳар ойлик устама берилади. Бу биргина математика фани атрофидаги гаплар. Халқаро кимё, информатика, физика олимпиадалари бор... Бир қизни биламан: исм-фамилияси Моҳира Болтаева. Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабда ўқувчиларни халқаро олимпиадаларга тайёрлайди. Қисқаси, профессионал мураббий. Ёш, салоҳиятли, иложи бўлса, у билан ҳам сўхбатлашиб кўринг. Шунда икки давр одами бутунги ўқитувчилик мақомини бирдек шарафлашга гувоҳ бўласиз, — дейди Элбек Тўхтамуродов.

Муаллим билан бир-биримизга соғлиқ-саломатлик тилаб, хайрлашамиз. Беҳад хурсандман, мақола қай руҳда ёзилиши энди аниқ, фақат яна бир ўзга, янги муҳитда улғайган муаллим иқрофи етишмасди. Хаёлимда Моҳира Болтаева исми шу қадар кўп айланардики, уни дарҳол топмасам, ҳаловатим бўлмаслигини англаб турардим.

— Элбек акани танимас эканман, аммо у мен ҳақимда билар эканми, демак, илм тарғиботидаги собитқадамлик ва журъати сира сайтирмаслигим керак. Ўқитувчи ёки мураббий бўлиб фаолият юритаётганимга кўп бўлмади, аммо шу йилларда умрини нафақат саводли, балки зиёли қатламни шакллантиришга, баҳоли қудрат таълим беришга уринган ва буни қойилмақом қилиб удаллаётган устозлар йўли нечоғлиқ машаққатли, шу билан бирга, шонли эканини англаб етдим, — дейди Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг Халқаро олимпиада захиралари маркази мураббийси, тўғарак раҳбари Моҳира Болтаева. — Халқимиз “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, деганида олим-

лик машаққатини инкор қилмаган, балки бунинг иложини борлигига ургу берган. Олим бўлиш, изланиш, кашфиётлар билан одамлар ҳаётини энгиллаштириш, мамлакат ривожига ҳисса қўшиш ўз-ўзидан кечадиган жараён эмас. Биргина кашфиёт учун бир эмас, балки икки-уч олимлар авлоди умрини бахшида қилиши мумкин. Пировадиди эса машаққатли меҳнатлар самарасидан бутун инсоният баҳраманд бўлади. Мана шу меваси ширин меҳнат учун ҳаммасига тайёр эканимга бутун сабаблар етарли. Бундан бир неча йил олдин, аниқроғи, 2019 йили Халқаро Менделеев олимпиадасида бронза медалини қўлга

ҳам руҳлантиради, лекин ундан-да муҳими, таълимга давлат миқёсида эътибор берилаётгани одамни бахтиёр қилади, ўз ишини севишга ундайди.

Кимёвий моддаларни ёдлаш, фан ривожига ҳисса қўшган олимларнинг исмию улар ёш қолдирган асарларни хотирага муҳраш учун чираниш даври ўтди — ҳозирги болалар нимани ва нимага ўрганаётганини фаҳмлаши учун барча моддий имконият яратилган. Энди улар олимпиадада шунчаки биринчилиқни олишни эмас, балки келажакда миллатга нафи тегадиган ноубелчи олим бўлишни дилига тугиб қўйган. Ҳа, биздан Нобель мукофоти совриндорлари чиқишига чин кўнгилдан ишонаман. Бунинг учун бизда салоҳият етарли. Озгина сабр қилиб, сўнгги вақт чигиригидан ўтиб олсак, марра бизни қўлади. Бу ҳавойи гаплар эмас, айнаи дама содир бўлаётган ижобий ҳодисаларга нисбатан самимий муносабат.

Мен ҳаётда қатъий ишонч билан яшайдиган маслак шуки, айнан илм-фан инсониятни цивилизацияга элтадиган кучдир. Тарихнинг қайсидир босқичида муайян тамаддун замонасининг энг илғори ҳисобланган бўлса, бунга ҳеч бир истисносиз равишда фақат ва фақат илм-фан борасида бошқалардан илғор бўлгани эвазига эришган. Биз ҳам эришамиз. Мен ҳам, ўқувчиларим ҳам бу мақсаддан қайтмайди!

Сўхбат якунлангач, чуқур тин оламан. Айни пайтда юрагимдан сўзларга қўшилиб отилиб чиққан ҳаяжон ва умид оҳулари чақнаб турган бутунги кўзларинг тоғоқ қояларидан сакраб ўтишга уринар, улар билан бир даврда, бир даврда кетиш учун ҳаракат қиларди.

Ўқитувчининг олий бурчи ҳақида ўйларканман, негадир Элбек аканинг устози кўз



киритганимда юртимизда замонавий илмий лабораториялар йўқлиги, реактивлар етишмаслиги, ускуналар эски ёки камлигини айтиб ёзганим, кимё фанини танлаб тўғри иш қилдимми ўзи деб шубҳага ҳам бориб қолгандим. Бугун эса исталган амалиёт учун лаборатория шу даражада қиёсасиз яхшироқ бўлиб кетди. 2021-2022 йилларда кимё фанидан битта олтин, бешта кумуш ҳамда учта бронза медаль, кейинги йили худди шу олимпиадада 2 та олтин, 1 та кумуш, 1 та бронза медаль, Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадасида эса 3 та олтин, 3 та кумуш медалини қўлга киритди. Бу йил ҳам тиришқоқ ўқувчиларимиз медалларини тўрттага кўпайтирди. Моддий рағбат, албатта, ўқувчини ҳам, ўқитувчини

олдимда мен истаган кўринишда гавдаланарди. У, назаримда, қўл етмас юксакликда турар, уни майда, баъзан ҳаддан ортиқ бачкана ташвишларга ўралашиб яшаётган бизнинг икир-чикирларга, ўткинчи ишларга аралаштириш мумкин эмасдай туюларди. У ўзи турган юксакликдан мен томон боқар, қиёфасида балқиган шамс нурали мулаб ётган ва анчадан буён офтоб тегмаган кўнглимни илтифат экан, бу кўёш ҳаёт тафтини худди афсонавий Ҳотамтой бойликларини қашшоғу муҳтожларга бир-бир улашгандай садақа қилиб кетарди. Қўлоғим атрофида эса Моҳира муаллимнинг сўзлари қайта-қайта акс садо беради: “Ўзинг севиб қилаётган иш эса сод, улуглар айтганидек, мақсадга, инсон ўзидан ва ўзгалардан рози бўлиш учун қилажак шарафли вазифага айланади”.

Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



— Сизга эришган нотуқларимиз, яратилган имкониятлар, бир пайтлар ўзим тасаввур қилган ва ҳозир ҳатто ортинги билан яратилган шарт-шароит, рағбат, келгуси режаларим хусусида гапириб бераман. Балки бунга бир неча соат камлик қилар. Аммо унга қадар босиб ўтилган йўлни эслаб ўтмаслик ўтмиш хатоларидан чиқарган хулосаларни унутиб, бугунги ўзбек ўқитувчисининг қадрига лоқайд бўлиш билан баробар деб ўйлайман. Биласизми, қачондир ўқитувчилардан ошиб бораётган даромади, фақат илмга бағишлаш мумкин бўлган кунлари, дўндириб қўйган ишлари, фахрланса, яхши кўрса арийдиган халқаро даражадаги савияга эга ўқувчилари ҳақида сўраб, журналистлар, муҳбирлар сўхбатлашганини орзу қилишга ҳам қўрқардим, — дея сўз бошлади Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси, “Шуҳрат” медали соҳиби Элбек Тўхтамуродов. — Мен ўқиган даврлар — мустақилликдан олдин ва кейинги илк йиллар мобайнида кечган таълим қиров тушган пахта эгатларию исиниш учун ўтин йиғиб келинадиган изғирин кунлар оралғида ишқаланиб, ранг-рўйини, мақсад-муддаосини йўқотган, бу табиий ҳолат эди. Чунки мамлакатимиз мустақилликка эришиш арафасида, хали қўлимизда мактагулик ҳеч вақо йўқ, фақат умид, ишонч, илинж бор эди. Айнан менинг ёшлик давримда бу ҳодиса содир бўлгани учун сира афсусланмайман. Сабоби кечаги мавҳум ҳолатдан бугун ҳар тарафлама бақувват, истиқболли бор мамлакатга айланган Ўзбекистонини ортиқча сўз беақларисиз, самимий ва холис фарқлай оламан...

Овоз эгаси бирдан жим бўлиб қолади. Туйқус кимдир ёдига тушгандек узун хўрсиниб қўяди. Бир муддат сукот қаҳлаб туради-да, бу сафар дадилроқ, аммо шаяжон билан давом этади:



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3372.
41369 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.
“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабдо кўчаси, 85-уй